



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATSION
RIVOJLANISH VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIJ VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MADANIYAT VAZIRLIGI



BUXORO VILOYAT
HOKIMLIGI



BUXORO

OLAMOLAMANIYAT VAZIRLIGI
OLAMOLAMANIYATI MARKAZI
جامعة بخارى في العالم الإسلامي
— 2020 —

THE SIGNIFICANCE OF BUKHARA IN THE ISLAMIC CIVILIZATION

INTERNATIONAL SCIENTIFIC- PRACTICAL ONLINE CONFERENCE



**28-29 May, 2020
Bukhara**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ФАКУЛЬТЕТИ
ИСЛОМ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИГИ, ФАЛСАФА
КАФЕДРАСИ**

**“БУХОРОНИНГ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДАГИ ЎРНИ ВА
УНГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ”**

мавзуидаги халқаро илмий-амалий анжуман (видеоконференция)

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

28-29-МАЙ 2020 ЙИЛ

БУХОРО, 2020 йил

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий инновацион ишланма ва технологиялар ишлаб чиқаришга тадбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 12 январдаги 24-сон қарори, 2019 йил 25 февралдаги 133-ф-сонли фармойиши ижросини таъминлаш шунингдек, Ислом таълим, фан ва маданият ташкилоти (ISESCO) 2019 йил 18 декабрда Тунида бўлиб ўтган XI Ислом конференциясида 2020 йилда Бухоро шаҳри Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги 56-Ф-сон фармойишига асосан Бухоро давлат университети, Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа кафедраси томонидан 2020 йил 28-29-май кунлари “Бухоронинг Ислом цивилизациясидаги ўрни ва унга қўшган ҳиссаси” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди. Мазкур халқаро илмий анжуманда Ислом цивилизациясида Бухоро маънавий мероси ва унинг ҳозирги даврда чет эллик ва Ўзбекистон олимлари томонидан ўрганилиши муаммолари, Абу Ҳафс Кабир Бухорий, Имом Бухорий ва юртимиздан етишиб чиққан алломалар илмий меросининг маънавий тараққиётни таъминлашдаги роли ва жаҳолатга қарши курашдаги аҳамияти, жаҳон маданий мероси таркибида Бухородаги муқаддас қадамжолар зиёрат туризми объекти ва динлараро мулоқотнинг муҳим манбаси, аждодлар илмий мероси илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга оид фундаментал тадқиқотлар негизи сифатидаги аҳамияти, илм-фан ва иқтисодиётнинг интеграциясини таъминлашнинг ижтимоий-фалсафий муаммолари ва ечимлари доир тасаввуфшунос, исломшунос, тарихчи олимлар, файласуфларнинг маърузалари ҳамда шу соҳада илмий тадқиқотлар олиб бораётган мустақил тадқиқотчилар, докторант, магистр ва талабаларнинг илмий мақолалар ва тезислардан иборат илмий, илмий-оммабоп ишлари, изланишлари ушбу тўпламдан ўрин олган.

Таҳрир ҳайъати:

Ф.ф.н., доцент, Намозов Б.Б.

Ф.ф.д., профессор, Саломова Ҳ.Ю.

Ф.ф.н., доцент, Шарипова О.Т.,

Ф.ф.н., доцент, Шарипов А.З.

ўқитувчилар:

Ўразов Б.Б., Шокиров М.Р., Муртозаев Ш.Б.,

З.И.Нарзиев, А.Қ.Ширинов, Б.С.Турдиев

“Мадрасатул Аббосийя” мадрасасида ҳам. Ҳозирда ҳам асар усул ал-фикҳ фани дарсликларининг асосий манбаси сифатида хизмат қилмоқда¹.

“Усул ал-Баздавий”нинг таркибий тузилиши 5 бўлим, 88 та катта-кичик фасл (мавзу)лардан иборат. Асар “Анвоу-л-илм” (Илмнинг турлари) ва “Таъриф-у-л-хос” (Хоснинг таърифи) мазуларидан бошланиб, “ал-Хато ва-л-Икроҳ” (Хато ва мажбурланиш сабаб юзага келган ҳаракатлар масаласи) мавзуси билан якунланган. Айрим қўлёзмаларда асар “Аҳлияту-л-адо” (Ижрога лаёқат) ёки “Аҳлият” (Вазифаларга лоёқат) мавзуси билан тамомланади. Хар бир бўлимга, баъзан эса боб ва фаслларга баён этилган мавзунинг ифодаловчи номлар берилган².

Асарнинг аҳамияти борасида Машҳур тарихчи ва қози Ибн Халдун (1332-1406) ўзининг “Муқаддима” номли асарида “Усулу-л-фикҳнинг ханафийлар йўналишида жуда кўп китоблар ёзилган, дастлабки ёзилганлари орасида Абу Зайд Даббусийнинг таълифи энг фойдалиси бўлса, кейинги давр асарлари орасида Сайфул ислом Баздавийнинг таълифи энг манфаатлисидир ва у кенг қамровли асардир”³ - дея таъриф беради.

Бугунги кунда “Усул ал-Баздавий” асарининг дунё бўйлаб тарқалган ўттиздан ортик қўлёзма нусхалари маълум ва машҳур. Бу қўлёзмалар дунёнинг энг йирик кутубхоналарида сақланади. Жумладан, Ирландия, Германия, Туркия, Сурия, Тунис, Саудия Арабистони кутубхоналарида асарнинг қўлёзма нусхалари борлиги аниқланган⁴. Шунингдек, асарнинг учта қўлёзма нусхаси Ўзр ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида № 1397, № 3112, № 4739 – ашёвий рақамлар билан сақланади⁵.

Ҳозирги даврда ислом қонунчилигидан тортиб, то одоб ахлоқ меъёрларини ўз ичига олувчи кенг қамровли илм “фикҳ” бўйича ёзилган манбаларни хусусан, “Усул ал-Баздавий” асари ва унга ёзилган шарҳларни тадқиқ этиш ижтимоий ҳаётдаги масалаларга жавоб топишда долзарб аҳамиятга эга. Али ибн Муҳаммад ибн Али Ҳамидуддин Ромиший Бухорийнинг ҳаёти ҳозирги ёш авлодга илм-маърифат борасида намуна экан, олимнинг асарлари орқали ибратли ҳаётини тўлиқроқ ўрганиш, англаш мумкин. Шу маънода олимнинг асарларини ўрганиш ва оммага етказиш илм аҳллари олдида турган муҳим вазифадир. Қолаверса, Ромиший Бухорий қаламига мансуб асарларни устида исломшунослик ва манбашунослик тадқиқотлари олиб бориб, уларнинг замонавий нашрларини амалга ошириш ҳозирги кун талаби ҳисобланади.

ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК ВА ИНСОНПАРВАРЛИК ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Самадова Сарвиноз Самад қизи – БухДУ ўқитувчиси.

Инсоний фазилатлар қадимданок айнан Шарқ халқларига хос хусусият бўлиб, у ҳозирги давргача авлодлар томонидан сақланиб, давом этиб келмоқда. Шарқнинг кўпгина атоқли мутафаккирлари ёзиб қолдирган илмий асарларда ҳам, ўзларининг амалий фаолиятларида ҳам бағрикенглик руҳида иш тутганлар. Мисол учун Шарқ мутафаккирларидан Абу Наср Форобий ижодида бағрикенглик ғоялари юксак роль ўйнаганлигини яққол кўришимиз мумкин. Унинг “Фозил одамлар шаҳри”, “Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола ” “Шаҳарни бошқариш ”, “Фазилатли хулқлар”, «Фозил шаҳар одамлари қарашлари» сингари асарлари ўзининг бой инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойиллари сингидирилганлиги билан муҳим аҳамиятга эгадир. Абу Наср Форобий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” китобида шундай деб ёзган эди: “Ҳақиқий саодатга эришиш йўлида

¹ Қаранг: Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Усулул фикҳ. – Т.: “Hilol nashr”, 2019. – Б.19.

² Фаҳру-л-ислом Али ибн Муҳаммад Паздавий. Усул ал-Баздавий. – Карачи: Мир Муҳаммад кутубхонаси, (нашр йили кўрсатилмаган).

³ Ибн Халдун. ал-Муқаддима. – Қоҳира: Мактабату Ибн Таймия, 1980. – Б. 428.

⁴ Соид Бақдош. Фаҳрул ислом Баздавийнинг “Усул ал-Баздавий” асари тадқиқи. – Байрут. Дор ал-башаир ал-исламийя, 2015. – Б. 24-29.

⁵ ЎзССР фанлар академиясининг шарқ қўлёзмалари тўплами / А.А.Семёнов таҳрири остида. Т.: ЎзССР ФА нашриёти, 1957. Ж. 4. – Б. 187-188.

бир-бирига ёрдамлашиш учун одамларни бирлаштирувчи шаҳар фозиллар шахридир ва саодатга эришиш учун бир-бирига ёрдамлашиш мақсадида бирлашган кишилар жамияти — фозил жамиятдир. Яқин кишиси учун ва барча шаҳарлар яхши фазилатли бўлиши учун ҳеч нарсани аямайдиган халқ, миллат яхши фазилатли халқ, яхши фазилатли миллатдир”[1.288].Форобийнинг бой илмий мероси шуниси билан аҳамиятлики, унда барча даврларда барча жамиятлар интиладиган идеал сифатларга: фозиллар жамияти, фозиллар шаҳри ҳамда фозил инсон тушунчаси, унинг ўзига хос хусусиятларига муҳим аҳамият қаратади. Шу билан биргаликда Форобий идеалликка эришиш йўлларини ҳамда назариясини ишлаб чиққан. Идеаллик ҳақида гап борар экан, бағрикенглик унинг ўзагини ташкил этганлигини таъкидлаб, қуйидаги мисоллар орқали келтириб ўтишимиз мумкин: “Одамларга нисбатан уларни бирлаштириб турувчи ибтидо — инсонийликдир, шу сабабли одамзод инсоният туркумига оид бўлганлиги учун ҳам ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим[4.86]. Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришиш учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж сезилади...”Шу сабабли мисол учун зарур бўлган кишиларни бир-бирларига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилган етукликка эришиши мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришиши учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради[1.286] деган фикрларни Форобий асарларида таъкидлаб ўтади.

Форобий “Бахтга етишиш (ёки эришиш)” асарида фалсафанинг баъзи бир жабҳаларини назарда тутган ҳолда шундай дейди: “Фалсафа бизга юнонлар: Платон ва Аристотелдан шундай сифатда келган”. Характерли томони шундаки, Форобий у ёки бу мутафаккирнинг фалсафий қарашларини қандайдир диний қамровда тан олиш масаласини кўймайди, балки кейинчалик ўзи эътиқод қилган ва вояга етган динга тўғри қараш ва ишонтириш зарурлиги, бунда олийжаноблик ҳаракатларини амалга ошириш тарафида туриш кераклигини таъкидлайди.

Шарқнинг буюк қомусий олими Абу Райҳон Беруний ижодида ҳам бағрикенгликка муҳим аҳамият қаратилиб, бу ҳол унинг бой илмий меросига ҳам сингдирилган. Абу Райҳон Беруний илм-фаннинг деярли барча соҳалари, шу жумладан, тарих илми билан ҳам махсус шуғулланиб, жуда бой илмий мерос қолдирган. Унинг илм-фан, маданият, дин, фалсафа, табиий фанлар, риёзиёт, илми ҳайъат, илми нужум, геодезия, хариташунослик, тиббиёт, доришунослик, маъданшунослик ва бошқа соҳаларда қолдирган асарлари, олим яшаган X-XI асрларда ҳам, кейинги даврларда ҳам Ўрта ва Яқин Шарқда, айниқса, Э.Захау тадқиқотларидан сўнг ғарб илм-фани, тарих фани ривожига салмоқли таъсир кўрсатди. Берунийнинг “Ҳиндистон” асарининг илмий ва маънавий аҳамияти хусусида машҳур рус шарқшуноси барон В.Е.Розень “Бу ҳиндистоншуносликда шундай бир улугвор “хайкал”ки, у ўз сирасига кўра яқка-ю ягона ва унга тенг келиши мумкин бўлган бошқа асарни Ғарб ва Шарқнинг бутун қадимги ва ўрта аср илмий адабиётларида ҳам учратиш мумкин эмас”[7.20] деб ёзган эди. Беруний илмий мероси инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойиллари билан бойитилган.

Шулар сирасида “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” ва “Ҳиндистон” асарлари аҳамиятлидир.

Беруний “Ҳиндистон” асарида айни пайтда аниқ фанларнинг мутахассиси сифатида ҳам энг кўп диққат қилган йўналиш қадимги эралар, тарихий тақвимларнинг тузилиши, ишлаш тартиби ва уларнинг ўзига хосликларидан иборат[5.17]. Бу асарда ҳам Беруний ўзининг қатъий қоидаларига амал қилиб, барча халқларга тенг, оқилона, инсоний сабр-тоқат ҳамда бағрикенгликни намоён қилди.

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон заминида яратилган маърифатпарварлик салоҳиятининг ижтимоий-фалсафий қарашларини юзага чиқариш, оммалаштириш лозим. Бунда зиёлилар ижодининг йирик бағрикенглик намуналари аҳамиятлидир. Улар Шарқ ва Ғарб муаллифларининг меросини қайси тилда бўлишидан қатъи назар, қайси ирқ ва динга

эътикод қилишига қарамасдан, ўқиб- ўрганганлар. Бу Абу Абдуллох Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний ва кўплаб ўтмишдаги бошқа олим ва мутафаккирларнинг ижодида ёрқин намоён бўлади. Кўпгина йирик ватандошларимизнинг фалсафий-тарихий ижодида диний ва замонавий бағрикенглик анъанавий узвий боғланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Динлараро муносабатларга тегишли бўлган Абу Наср Форобийнинг фалсафий қарашлари, Абу Райҳон Берунийнинг фикрлари, Имом ал Бухорий ва Ҳаким ат -Термизийнинг ҳадиси шарифлари ҳамда бошқа кўпгина мутафаккирларнинг асосий ғоясини бағрикенглик ташкил қилувчи асарлари мисол бўлади[7.21].

Масалан, олимларнинг таъкидлашича, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Берунийларнинг тарихий-фалсафий фикрларининг бағрикенглик характери авваламбор турли хил фалсафий, диний ва ирқий табақаларга мансуб бўлган кенг кўламдаги халқларга тушунарли бўлганлигида намоён бўлади. Бағрикенг бўлмасликнинг хавфлилиги тўғрисида кейинчалик Беруний ўзининг “Геодезия” номли китобида шундай деган эди, “Кимда ким ақл бовар қилмайдиган даражада мутаассибликка(жонкуярликка) берилган бўлса, у ҳамманинг ишончини йўқотади ва қарғишига қолади, унинг номи “син ” ҳарфи билан тугайди”. Ушбу ҳолатда Беруний юнонларнинг номини назарда тутди.

Бошқа бир халқларнинг, ўзга эътикод вакиллариининг фалсафий илм натижалари объектив ва шу билан бир вақтда бағрикенглик қарашлари тамойили Беруний изланишларида ўша даврда мавжуд бўлган шарқ олимлари ичида биринчи бўлиб ҳинд фалсафасига изоҳлар ёзганини кўрсатади. У ўзининг раҳбарлиги остида амалга оширилган тарихий фалсафий тадқиқотларининг методологик принциплари тўғрисида тўғридан-тўғри гапириб, айнан мана шу унинг ижодиётининг муҳим асосини ташкил этарди. Беруний диний сабабларга кўра ҳинд фалсафасини ўрганишда унинг издошларига нисбатан асоссиз айблар ишлатмаганини таъкидлайди: “Зеро ҳиндлар эътиқоди шундайки, бу уларнинг ўзларигагина яхшироқ кўринади ва тушунилади”. Айниқса бу уларни “Дин — бу фақатгина уларнинг эътиқоди, фан — эса фақатгина уларда мавжуд бўлганларидир ” деб уларни айблаганда ёрқин намоён бўлади[7.23].

Бошқа халқлар ва давлатларга нисбатан, масалан, Хоразмда Араблар истилоси, Маҳмуд Ғазнавийни Ҳиндистонга ҳарбий юришлари пайтида юзага келган тоқатсизлик ва зулмнинг кучайиши олдини олишни қаттиқ қоралайди. Унинг фикрига кўра бундай сиёсатнинг энг мудҳиш натижалардан бири, бу илм-маърифатга, шу жумладан, фалсафий илмларга келтирадиган катта зарардир. Беруний ирқий камситишга асосланган ҳар қандай зулмни қоралаган ҳолда, барча инсонларнинг шаклланиш ўзаги битта асосга таянишини таъкидлаб, турли халқлар, ижтимоий гуруҳлар ва муайян инсонлар ўртасидаги тинч-тотув муносабатни амалга оширилишига ҳалақит берувчи миллий ва диний чегараланишларга қарши чиқади [8.143].

Диёримиздан етишиб чиққан алломаларнинг асарларида ҳам диний бағрикенглик тарғиб қилинган ғояларни учратамиз. Жумладан, аллома Абу Мансур ал-Мотурудийнинг “Тиловат аҳли сунна” асарида Қуръони карим Ҳаж сурасининг 40-оятини тавсир этиб, “Черков ва синагогаларни вайрон этиш ман этилади. Шунинг учун ҳам мусулмон ўлкаларда шу давргача улар сақланиб қолган. Бу масалада илм аҳли орасида ихтилоф йўқдур”, деган фикрни билдирган. Бурҳониддин Марғиноний ҳазратларининг «Ҳидоя» асарида мусулмонлар диёрида черков ва ибодатхоналар бузилиб кетган бўлса, уларни яна қайта тиклаш кераклигини айтиб ўтганлар. Шунинг учун фикҳий китобларда бу ҳақда алоҳида тўхталиб, мусулмонлар диёрида черков ёки бошқа ибодатхоналар бузилиб кетган бўлса, ўша ердаги насронийлар уни тиклашни талаб ёки илтимос қилиб чиқса, уларни қайта тиклаш мумкинлиги ҳақида боблар киритганлар.

Исломиё бағрикенглик борасида бунга ўхшаш мисоллар жуда ҳам кўп.

Самарқандлик улуғ фикҳшунос олим Абу Лайс Самарқандий “Баҳрул улум” деган тавсирларида ҳам Мумтаҳана сурасининг 8-9-оятларини шарҳлаб: “Сизлар билан дин борасида урушмаганларга яхшилик қилишингизда, уларга адолат қилишингизда ҳеч қандай

монелик йўк” деганлар.

Юқоридаги оят ҳақида Ҳаким Ат-Термизийнинг асарларида ҳам насронийларнинг бази тоифалари ҳақида фикр юритилиб, улар Пайғамбар алайҳиссалом башорат қилган нажот топган фирқа деб таъриф қилинади.

Мовароуннаҳрлик яна бир машҳур фақхшунос олим Абул Баракот Насафийнинг «Мадорикут-танзил» деб номланган тафсирлари ҳозир ҳам Ислоҳ оламида машҳурдир. Абул Баракот Насафий ушбу тафсирдаги оятлардан бирида: «Ўзга дин вакилларига эҳтиром кўрсатинглар, уларга сўзда ҳам, амалда ҳам яхшилик қилинганлар» деб шарҳ берганлар.

Шайх Аҳмад Яссавий ҳам ўз “Ҳикмат”ларида: “Суннат эрмиш, кофир бўлса, берма озор. Кўнгли каттик дилозордан Худо безор” деб ёзганлар.

Дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади ва яхшилик, тинчлик, дўстликни улуғлайди. Одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади. Барча динларда инсон ҳаётининг моҳияти, мазмуни, кишилар ўртасидаги муносабатларни тенглик ва адолат мезонлари асосида ўрнатиш масаласи ўз аксини топган.

Тасаввуф алломалари қарашларида ҳам бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, ўзга дин ва миллат вакилларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланган. “Рашахоту айн ул-ҳаёт” китобида келтирилишича Ҳаким Отанинг машҳур ҳикматли сўзларидан бири:

Ҳар ким кўрсанг-Хизр бил,

Ҳар тун кўрсанг- кадр бил.

Яъни, ҳаётда, муомалада барчани ўзингдан улуғ кўриб, тақсир бўл ва ҳар кунни ғанимат ва кадрли билиб, беҳуда сарфлама деганидир [6.15]. Бу ҳикматлар билан Ҳазрати Ҳаким Ота инсонларни бир-бирларига нисбатан меҳрли бўлишга ҳамда ҳар бир ўтган кунни беҳуда ўтказмай, халққа хизмат билан, меҳнат билан фойдали ўтказишга чақирадилар.

“Ламаҳот мин нафаҳот ул-қудс” китобида келтирилишича: Миёнқўлда яшайдиган Мавлоно Иброҳим садриинг ота уйига Маҳдуми Аъзам, Шайх Худойдод ва Шайх Хусайн Хоразмий каби уч тариқатнинг уч буюк намоёндалари меҳмон бўлиб келишади. Анча давом этган мулоқотдан сўнг, Шайх Хусайн Хоразмий машшукни чақириб най чалишни буюради. Най чалина бошлагач, ул зот ўз тариқатлари бўйича самоия зикрига ўйин тушиб кетади. Қолган иккаласи ҳурмат юзасидан тик туриб эшитишади. Кейин Маҳдуми Аъзам ва Шайх Худойдод Валий ҳам ўз тариқатлари зикрларини қилишганда, қолганлари тик туришиб бошқа тариқатга ҳурмат бажо келтиришади. Ушбу уч улуғ зотлар бир- бирларининг тариқатларига бундай ҳурматда бўлишлари тасаввуф тарихида катта ижобий рол ўйнаган.

Даҳбедий хожалар силсиласининг яна бир намоёндаси, Каттахонхўжа Даҳбедий кўп кўли очиқ ва саховатли инсон бўлиб, хайр- эҳсонга ниҳоятда берилган эди. Барчанинг тўй-маракасига, уй қурмоқчи бўлган ночор одамларга, етиму ғарибларга кўлидан келган ёрдамни аямас эди. Юзлаб кишиларга қарз берарди лекин, зинҳор ночор одамлардан қарзини қайтариб олмасди. Ҳатто ўзига тўқроқ одам қарзини олиб келса, бирор марта тўлиғича олмас, бир қисмини олар эди холос. Каттахонхўжа Даҳбедий ҳар сафар Ҳадиси Шарифдан ушбу нақлни келтирар эди: “Садақани бой ҳам, камбағал ҳам олади ва лекин қарзни фақат мухтож одамгина сўрайди”. Шундай қилиб, таънасив қарз бериш, Ҳадисда айтилганидек, уч қарра савоб экан [6.191].

Баҳоуддин Нақшбанд йирик тасаввуф алломаси Саид Амир Кулолнинг бевосита муриди ҳамда Хожа Муҳаммад Бобо Самосий фарзандлигига қабул қилинган эди. Ва лекин “хожагон” силсила тариқатининг асосчиси ҳисобланган Хожа Жаҳон – Хожа Абдулҳолик Гиждувоний эса Баҳоуддин Нақшбанднинг руҳониятли пирлари ҳисобланган. Манбаларда ёзилишича Баҳоуддин Нақшбанд қул ва канизак тутмаган эканлар. Ва бу ҳақида ул зот: “Ўзимиз Худонинг бандаси(қули) бўлатуриб, бошқаларга қандай хўжайинлик қила оламиз” деб айтган эканлар. Бу ул буюк зотнинг фазилатларига хоксорлик билан буюклик мужассамлашганидан дарак бериб турибди.

Дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади ва яхшилик, тинчлик, дўқтлик каби хусусиятларга таянади. Одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади.

Буюк давлат арбоблари Амир Темур, Улуғбек, Бобур динлар ўртасида, миллатлар ўртасида тотувликни мустаҳкамлашга бутун умрларини бағишлаганлар ва бу соҳада муайян муваффақиятларга эришганликлари тарихий манбалардан маълумдир. Амир Темурнинг “Очиқ юзлилик, раҳм шавқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим”[9.89] деган сўзлари бунга мисолдир. Темур тузуклари асарида узоқ яқиндан бирор киши келиб Амир Темур мажлисида иштирок этса, қайси тоифадан бўлса ҳам дастурхони неъматидан баҳраманд бўлишини, фатҳ этилган ҳар бир мамлакатдаги сипоҳийлар паноҳига келсалар, уларни навқар қилиб жой бериши, у диёрнинг раиятини ёмон ҳодисалардан, қатл ва асиру банд этишдан, таланишдан муҳофаза қилишини амр этганлигини таъкидлайди. Амир Темурнинг бағрикенглигини қайси мамлакатни запт этган бўлса, ўша ернинг обрў эътиборли кишиларини азиз тутганлиги; сайдлари, уламолари, фузало ва машойихларига таъзим бажо келтирганлиги, уларга катта ҳурмат билан қараганлигидан билишимиз мумкин. Амир Темур ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар қурдирган, мусофир йўловчилар учун йўл устида работлар бино қилдирган, дарёлар устида кўприклар қурдирган, доимо халқ аҳволидан хабардор бўлган.

XV аср бошларида Амир Темур саройида бўлган Кастилия елчисининг гувоҳлик беришича, Темур Самарқандда турли дин вакилларини йиғади, уларга илтифот кўрсатади ҳамда христиан динига эътиқод қилувчи меҳмонларнинг турли эҳтиёжларини бажариш учун алоҳида масъул шахс тайинлайди. Улар билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлашни тайинлайди. Шундан ҳам билишимиз мумкинки Амир Темур давлат ва халқ бошқарувида доимо бағрикенглик тамойилларига амал қилган.

XIX асрда яшаб ижод қилган маърифатпарварлардан бири Аҳмад Дониш ўзининг қарашларида ёш авлодда меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, халқпарварлик туйғусини шакллантириш кераклигини такидлайди. Аҳмад Дониш бола тарбиясига катта эътибор беради ва уни мураккаб жараён эканлиги, бунда ота- онанинг ўрни бекиёс эканлиги ҳақида асарларида фикр юритади. Дониш ота-оналарга болаларини жамият ривожини учун меҳнат қиладиган инсонлар қилиб тарбиялашни тавсия қиладди. Унинг фикрича ота-оналар фарзандларининг жисмоний ва ақлий ривожланишига эътибор бериши, илм ва ҳунар эгаллашида раҳнамо бўлиши керак.

Аҳмад Донишнинг асарларида бағрикенглик ғоялари ҳам ўзига хос ўрин эгаллаган:

- Ижтимоий-сиёсий бағрикенглик, яъни жамиятдаги барча кишилар тенглигини тан олиш;
- Иқтисодий бағрикенглик, яъни бир-бирига ёрдам бериш, муҳтожларни кучсизларни кўллаб –қувватлаш;
- Оилавий муносабатларда бағрикенглик ёки оилавий бағрикенглик, яъни аёлларни эъзозлаш, улар ҳуқуқларини тан олиш;
- Миллий бағрикенглик – турли миллатлар ўзаро дўстликда яшаши;
- этник бағрикенглик - турли халқлар урф-одат, қадриятларини ҳурмат қилиш;
- диний бағрикенглик –турли диний эътиқоддаги кишиларнинг муроса билан яшаши;
- Умуминсоний бағрикенглик – инсонларни эъзозлаш, қадрлаш [3.51-52].

Аҳмад Дониш бағрикенглик ўз-ўзини англаш, муроса билан яшаш, ўзаро ҳурмат, сабр-тоқат, қаноат, шукр, кечиримлилик, чидамлилик, бир-бирини қадрлаш, холислик, саховатли бўлиш, раҳмдиллик, меҳр-оқибат каби инсоний фазилатлар орқали намоён бўлишини таъкидлайди ва ўз асарларида бу ҳақида кенгроқ ёритиб беради.

Туркистоннинг XIX аср охири XX аср бошларидаги миллий тараққийпарвар зиёлилари бўлмиш жадидлар ҳам диний бағрикенглик ғояларини рўйи рост ифодалаб берганлар. Уларнинг атоқли намоёндалари—Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов ва бошқалар ўз асарларида ҳам, амалий фаолиятларида ҳам бағрикенглик, яъни толерантлик ғояларни тарғиб қилдилар. Чунончи, А.Фитратнинг “Мунозара ” ва “Ҳинд сайёҳининг ҳикоялари ” асарларида диний ва миллий бағрикенглик мавзуи муҳим ўрин олган. Миллий тараққийпарвар зиёлиларимиз Россия ва бошқа мусулмон минтақаларидаги маслақдошлари билан ҳамкорлиги ва алоқалари туфайли уларнинг фаолиятида бағрикенглик

ғоялари ва амалиёти ривожланиб борди. Жадидчилик ғоясининг ёрқин намояндаларидан бири бўлмиш Махмудхўжа Бехбудий, Туркистонда давлат бошқарувининг шакллари хусусидаги қизгин мунозаралар пайтида, хусусан Туркистон ўлкаси Ижроия кўмиталарининг 1917 йил апрелда бўлиб ўтган қурултойида туб аҳолининг сайланган идоралар ишида тенг ҳуқуқ билан иштирок этишини қаттиқ туриб ҳимоя қилди. “Мусулмонларни қоқоқ ва мутаассиб деб айтиш нотўғри бўлур эди, деб таъкидлайди у, -биз умман бир-биримизни яхши билмаймиз, биз биргаликда яшаётганимизга кўп бўлгани йўқ ва фақат эндигина озодлик бизни бирлаштиради, бундай бирлашувдан мусулмонлар манфаатдордирлар. Шаҳар бошқармаларини бир-биридан ажратиб қўйиш руслар учун ҳам манфаатли эмас, кўпгина шаҳарларда руслар яшайдиган қисмлар ўз эҳтиёжларини қондира олмайдилар. Руслар ёш мусулмонлар билан биргаликда ишлашлари керак. Руслар сиқувга тушиш дан хавф сирамасинлар. Бухоро мусулмонлари орасидаги яҳудийлар 1200 йилдан бери яшаб, бойиб, ривожланиб бормоқдалар. Маданиятга ва қўшинларга эга бўлган Оврўполиклар ҳеч чўчимасинлар, ўз навбатида мусулмонларнинг ҳуқуқларини камайтириш демократия тамойилларига зид бўлур эди [2.18]. Жадидлар ижодида бағрикенглик ғоялари ўз даврига ҳамоҳанг тарзда баён қилинган бўлиб, бунда таълим соҳасига алоҳида урғу берилади. Улар биринчи навбатда халқнинг саводини чиқариш ва жаҳон андозаси даражасида бўлишини амалга оширишга киришдилар. Жадидлар ёшларни ўқитиш учун Германия, Франция, Туркия, Миср ва бошқа мамлакатларга юбориш режалари билан ўртага чиқдилар. Масалан, бундай таклифлар М.Бехбудийнинг “Эҳтиёжи миллат”(1909) ва Чўлпоннинг “Дўхтир Муҳаммадиёр”(1915) сингари мақолаларида баён этилди. Абдулла Авлоний бағрикенглик бўлмаса, қандай оқибатлар келиб чиқиши ҳақида гапирар экан, жумладан шундай дейди: “Қайси бир миллатнинг орасида бирлик кўтарилиб, нифоқ ва адоват ҳукм сурган бўлса, ул қавмнинг инқироз дунёсига юзланганлиги тарих саҳифаларидан маълумдур”. Авлоний бу сўзлари билан бағрикенглик давлат ва жамият ривожини учун нечоғлик аҳамиятли эканлигини исботлаган.

Бағрикенглик, эркинлик ва барча халқларга нисбатан дўстона муносабат жадидларнинг сиёсий фаоллиги юқори босқичга кўтарилишининг бош омили эди. Бу айниқса Туркистон мухторияти ғоясида яққол намоён бўлди. Мухторият жаҳон тажрибасида синовдан ўтган умуминсоний ғояларга асосланган миллий давлат қуриш йўлидаги илк уриниш эди. Бу даврга келиб тараққийпарварларнинг диний ва миллий бағрикенглиги умумдавлат сиёсати мақомини олиб, ягона тушунчага айланди. Лекин, жадидларнинг бағрикенглиги ислом маданиятининг аҳамиятини биринчи ўринга қўйишларига монелик қилмади. Улар жаҳон цивилизацияси ютуқларида мусулмонларнинг ҳам ҳиссаси борлигини ҳамиша таъкидлаб келган. Ўз мақолаларида Арасту, Афлотун, Сукрот асарларидан кенг фойдаланган, уларга замондош фалсафий оқимлардан яхшигина хабардор бўлган жадидлар улар билан Шарқ ислом фалсафаси ўртасида муштарак жиҳатларни топган. Бағрикенглик Ўрта Осиёда ўзининг тарихий илдизларига эга. Кўп асрлар мобайнида бу ерда турли этнос ва дин вакиллари тинч—тотув яшаб келган. Шунинг учун ҳам жамиятнинг бир қадар фаол қисми онгида, диний ва ирқий мансублигидан қатъий назар, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва эркинлик, атрофдаги кишига нисбатан дўстона муносабат мавжуд эди.

Хулоса тарзида шуни таъкидлаш лозимки, инсон маънавиятини юксалтирадиган асосий мезонлардан бири ажодлар маънавий меросидир. Мутафаккирларимизнинг бағрикенглик ва инсонпарварлик ҳақидаги қарашлари бизга бугунги кунда маънавиятимизни юксалтиришда дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. буюк ажодларимизнинг бой маданият ва маърифат булоқларидан баҳраманд бўлган халқимиз нафақат миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик балки меҳру-мурувват, оила, фарзанд тарбияси, ота-она ҳурмати ва иззати борасида ҳам ўзига хос кенг феъллик, саховат ва мўътадиллик тамойилларига амал қилиб келмоқда. Мамлакатимиз тарихан кўп миллатли ўлка бўлганлиги туфайли бу заминда турли-туман дин вакиллари эмин-эркин яшашлари учун барча шароитлар яратилган. Ҳар бир инсон, бутун жамият ўзаро муносабатларни халқларнинг турли-туман урф одатлари, маданияти ва қадриятларини тан олган ҳолда бағрикенглик асосига қуриши зарур. Зеро,

тинч-тотувлик, бағрикенглик тараккиёт гаровидир.

АДАБИЁТЛАР.

1. Абу Наср Форобий. “Фозил одамлар шаҳри”Т; “Янги аср авлоди”, 2016 й.
2. Алимова Д.А. Религиозной толерантность и гуманистические идеи национально прогрессивной интеллигенции Туркестана. // Ўзбекистон тарихи. 2005, № 3, 14.
3. Ахмедова.З.А. “Бухоро ижтимоий-фалсафий фикри тарихидан лавҳалар (XIX аср иккинчи ярми)”.Т.; “Наврўз” нашриёти 2015 йил.
4. “Буюк юрт алломалари” Т;. “Ўзбекистон” 2016й.
5. Ирисов А. Абу Райҳон Берунийнинг «Ҳиндистон» асари. Танланган асарлар, 2-ж. Т.: Фан, 1965,
6. Каттаев. К. “Тасаввуф алломалари” Т; “Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”. 2017й.
7. Муртазаева Р. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. Т;“Университет”.2007й.
8. Насирходжаева Г. Бағрикенглик — жамият барқарорлигининг асоси // История - философское наследие Фараби и Беруии в контекст е проблемы толерантности (илмий-амалий анжуман материаллари). Тошкент. 2003й.
9. Темур тузуклари. Т; “Ўзбекистон”. 2018й.

АЛИ САФИЙНИНГ “ЛАТОИФ-УТ-ТАВОИФ” АСАРИ ҲАҚИДА

Умид Маълянов

Гулистон давлат университети катта ўқитувчиси

Фахруддин Али Сафий (1463-1532-33) меросининг ажралмас қисми, унинг муҳим асарларидан бири кенг халқ орасида «Латоиф ут-тавоиф» ёки «Латоиф уз-зароиф» номлари билан машҳур бўлган рисоладир. Бу рисола, Али Сафий яшаган XV-XVI асрлардаги Туркистон ва Эрондаги ижтимоий-фалсафий фикр, воизлик, хотиблик санъати ва тафаккурининг ажойиб намунаси, дарслик ва хрестоматия тарзидаги ёдгорлигидир. Шунинг учун ҳам Али Сафий ўз асари тили, баён усулини ўта лўнда, қисқа ва гўзал ҳикматлар даражасида мукамал бўлишига, айна пайтда унда жуда катта ижтимоий-фалсафий маъно, мазмун, юқори илмий савияда ёзилишига эришган. Асар худди Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”и каби муаллиф жуда катта ҳаётӣй, ижтимоий-сиёсий фаолият, тажрибага эга бўлган, таниқли хотиб, воиз сифатида ном чиқарган, машҳур олим, нақшбандия ғоялари ҳимоячиси ва тарғиботчиси сифатида танилган даврда, ҳаётининг охирларида (1532-1533 йиллар) ёзилганди.

«Латоиф ут-тавоиф» Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Туркистонда бу асар кўп бора алоҳида нашр қилиниб, тарқатилганидан ташқари, замонавий араб, турк, ўзбек, тожик, озарбайжон, рус, инглиз, француз тилларига таржима этилиб, катта адабларда нашр этилиб, тарқатилмоқда. Асарнинг Комил Хоразмий томонидан амалга оширилган эски ўзбек тилига таржимаси қўлёзмаси (ашё № Р-342), форс тилидаги бир неча нодир қўлёзма нусхалари Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Шарқ қўлёзмалари захирасида (ашё № Р-7404, шунингдек, Р-413, Р-571, Р-1559 остида) сақланмоқда [1:423]. Асар француз тилида 1883 йилда Парижда, 1937 йилда Панжобда айрим парчалар шаклида [2 :240], 1958 йилда форс тилида Техронда Гулчин Маоний таҳрири остида [3], 1968 йилда Душанбеда Ҳалим Саидов амалга оширган тожикча нашри[4], 1977 йилда Душанбеда С.Ховари амалга оширган рус тилидаги таржимаси [5], 1991 йилда Москвада амалга оширилган рус тилидаги нашрлари «Занимательные рассказы» номи билан катта адабда нашр этилди [6]. 1996 йилда эса Тошкентда Ҳожи Сотимхон Хожа Мунаввар ўғли томонидан Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган асл, тўлароқ форсча қўлёзма нусха, ҳам Комил Хоразмий амалга оширган эски ўзбек тилига қилинган таржимаси қўлёзмалари асосида форсчадан бевосита ҳозирги замон ўзбек тилига қилинган

Ғайбуллаев Саидахмадхон АЛИ ИБН МУҲАММАД РОМИШИЙ БУХОРИЙ ВА УНИНГ “УСУЛ АЛ-БАЗДАЙЙ” АСАРИГА ЁЗГАН ШАРҲИ	499
Самадова Сарвиноз ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК ВА ИНСОНПАРВАРЛИК ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ	502
Умид Мавлянов АЛИ САФИЙНИНГ “ЛАТОИФ-УТ-ТАВОИФ” АСАРИ ҲАҚИДА	508
Alimova Shaxlo ХОЈАГОН ТАРИҚАТИДА ИНСОН КАМОЛОТ YO’LI	510
Ашурова Мархабо ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙНИНГ “МАСНАВИЙИ МАЪНАВИЙ” АСАРИДА ИНСОН БОРЛИГИ МАСАЛАЛАРИ	512
Б.Б.Дехқонов ХОЖАГОН-НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИ ТАСАВВУФ ОЛАМИНИНГ АСОСЛАРИ СИФАТИДА	515
Arzikulov J.X. ABDULXOLIQ G’ IJDUVONIYNING MA’NAVIY MEROSIDA BARKAMOL INSONNI TARBIYALASH MASALASI	520
Норбошева Мехри ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ	522
Дилинавоз Бердиева ИСЛОМДА ДУНЁВИЙ ИЛМЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ	526
Narzullayeva Gulchehra, Xamidova Zarina ВУХОРО ISLOM MADANIYATI MARKAZI.....	527
Ашурова Мархабо ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ТАЛҚИНИДА АЁЛЛАР СИЙМОСИ	529
Nunnanova.G. SHAYX ABU YA’QUB YUSUF HAMADONIYNING USTOZLARI VA SHOGIRDLARI	532
PulatoV Zarifjan PROGRESSIVE IDEAS IN “TEMUR TUZUKLARI”	535
Sevara Samadova, Nigina Umurova ВУХОРО MADANIYATI TARIXIDA VANOUDDIN NAQSHBAND TA’LIMOTINING O’RNI.....	537
Қаюмов Дилшод ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА БУХОРО ОЛИМЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ.....	539
Мирзахмедов Хуршид ИМОМ АЛ-БУХОРИЙНИНГ «АЛ-АДАБ АЛ-МУФРАД» АСАРИДА ТОЛЕРАНТЛИК АХЛОҚИ.....	542
Мирзаева Ферузахон XVII-XVIII АСРЛАРДА БУХОРОДА НАҚШБАНДИЯ-МУЖАДДИДИЯ ТАРИҚАТИ ШАЙХЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ.....	544
Саидкулов Нуриддин ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИДА БАҒРИКЕНГЛИК МАСАЛАСИ	547
A.T.Qayumova, O.O.Jalolov BUYUK MUTAFAKKIRLAR MA’NAVIY MEROSIDA INSON –BEVANO XILQAT	549
Vozorova Lobar MANGULIKKA DAXLDOR MEROS.....	551
O’razov Bobir, Xudonazarova Lola MAVLAVIYA VA NAQSHBANDIYA TARIQATLARIDA INSON KAMOLOTI MASALASI.....	552
Азалшоҳ Ҳамроев БУХОРОЙИ ШАРИФ: КЎХНА ТАРИХ ВА МАДАНИЯТ, МУҚАДДАС ДИН ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИК ТИМСОЛИ.....	554
Мавлуда Раҳмонова СОМОНИЙ ДАВРИ АЛЛОМАЛАРНИНГ ИСЛОМ МАДАНИЯТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ	556
Қудратов Ш.Ё.БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ ТАШҚИ САВДО АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН.....	558
Исмаилов К.К., Абдукадиров П.А. РОЛЬ ДУХОВНОГО НАСЛЕДИЯ БУХАРЫ В ИСЛАМСКОЙ ЦИВИЛИЗАЦИИ	560
Nunnanova.G. YUSUF HAMADONIY TA’LIMOTIDA INSONNING TIRIKLIK MAZMUNINI, TANA VA RUH DIALEKTIKASINI ANGLASH MASALASI TANHLI	562
A.X.Axmatov ВУХОРО АДАБИЙ МУҲИТИ ВА ШАРИФЖОН МАҲДУМ.....	565
Fazilat Norova USTOZ SAID BURHONIDDIN SIRDONNING “SO’FIYLAR ILMI ASRORI” HAQIDA	567
Ортиқов Отабек, Ботиров Темурбек ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА МАЪНАВИЙ – АХЛОҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	569
Rahima Norova TASAVVUF VA KOMIL INSON TUSHUNCHASI.....	571
Karimova Dilfuza ISLOM OLAMIDA IMOM ABU MANSUR MOTURIDIY ASARLARINING ANAMIYATI.....	575
Нафиддинова Х.Р.БУХОРОДА НИКОҲ МАРОСИМЛАРИ	577
Мирзоев Хайём САЙФИЙ БУХОРИЙНИНГ “АРУЗ” РИСОЛАСИДА XV АСР АРУЗШУНОСЛИГИ МАСАЛАЛАРИ.....	579
Sadiqova Roza ABU ALI IBN SINO BORLIQ HAQIDAGI FALSAFIY TA’LIMOTI.....	582
Тожиева Ирода ИСЛОМ ҚОНУНШУНОСЛИГИГА НАСАФ ФАҚИХШУНОСЛАРИНИНГ ҚЎШГАН ҲИССАЛАРИ	584
Қосимов Миржалол ШАМСУ-Л-АИММА САРАХСИЙНИНГ МАБСУТ АСАРИДА ЗАКОТ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ	586
Muhammadiyeva Laziza BARKAMOL INSON TARBIYASI - NAQSHBANDIYA TA’LIMOTINING NEGIZI	587
Лола Азимова ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИГА ҲИССА ҚЎШГАН МУТАСАВВИФ	589
Абдухамидов Исломбек ХОЖА АБДУЛҲОЛИҚ ФИЖДУВОНИЙ – МУСУЛМОН ШАРҚИНИНГ ХОЖАИ ЖАҲОНИ.....	591
Nunnanova.G. SHAYX ABU YA’QUB YUSUF HAMADONIYNING USTOZLARI VA SHOGIRDLARI	593
Tursunkulov Nurali ISLOM TAFAKKUR TARZINING SHAKLALANISHIDA ABU HOMID G’AZZOLIYNING O’RNI.....	597
Хусен Хайруллоевич ДЖУРАЕВ БУХОРО ХАТТОТЛИК МАКТАБИ АСОСЧИСИ МИР АЛИ ҲИРАВИЙ ФАТҲОБОДИЙ ФАОЛИЯТИГА ЧИЗГИЛАР.....	598